

Абдураҳмон Пиримқулов



НАВОЙИНИ СЕВГАН НОЗАНИН

“ФАН”

109

АБДУРАҲМОН ПИРИМҚУЛОВ

НАВОИЙНИ СЕВДАН НОЗАНИН

(Навоийга армуғон)

Тошкент

Узбекистон Республикаси Фанлар
академияси «Фан» нашриёти
2007

Мумтоз матнинг бадиий назокатини илғаш, уни барча мураккабликлари билан идрок ва тадқиқ этиш салоҳияти, табиийки, ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Истеъодоли агадиётшунос олим А. Пиримқулов Навоий асарларининг илмий таҳлили воситасида Сизни ўз “дунё”сига олиб киради. Мазкур рисола Сизнинг доимий ҳамроҳингиз бўлишига умид қиласиз.

Масъул муҳаррир:

Шуҳрат Сирожиддинов,
филология фанлари доктори.

Тақризчилар:

Маманазар Бобоев,
филология фанлари номзоди, доцент.
Фазлиддин Равшанов,
филология фанлари номзоди

ISBN 978 – 9943 – 09 – 308 – 9

© Ўзбекистон Республикаси ФА «ФАН»
нашриёти, 2007 йил.



ЖУНУН ЗАВҚИ ИЛА ЁЗГАНИМ

Туркий дунёга сўз санъатининг энг юксак чўққисини ягона бир зот забт этгани гарбу шарқ агадиёт муҳибларининг барчасига кундек равшан. Сиз билан мана шу қоғоз орқали учрашишдан мурод ана шу буюк сиймо ёзib қолдирган сўз дурдоналаридан, пурмаъно ҳақиқатлар чашмасидан, яратилганидан буён тинимсиз жилваланағидан туйфулар лаззатидан, қисқаси, сўз даҳоси қолдирган ижод шарбатидан бир—икки томчисини Сизга инъом этишдан иборатдир. Зора, мазкур китобча муаллифини ўйлантирган, завқлантирган, гоҳига эса онг илғамас завқи шуур ила илҳомлантирган туйфулар жозибаси, сеҳри, лаззати Сизни—га, бефарқ қолдирмаса... Улуғ сўз даҳоси ва унинг безавол меросига эҳтиром ҳосиласи сифатига жунун завқи ила ёзганим мазкур рисола, муҳтарам муҳлисим, Сиз билан бизни яқиндан дўст ва биродар бўлишимизга сабаб бўлиб қолишига ишонч билдираман.

Камоли эҳтиром ила муаллиф.

ЖАЖЖИ ҲАЙРАТЛАР

Марҳум устозим филология фанлари доктори, профессор Абдурашид Абдуғафуров Навоий "Хамса"си, хусусан, "Ҳайрат ул – аброр" ва "Садди Искандарий" таркибидаги мақолатлар сұнггида келадиган жажжи ҳикоятлар хусусида гапирап экан, уларнинг ҳаммаси беистисно, үз мазмун ва ички структурасига, образлари ва ечими үз "ҳиссаларига" эга бўлиб, уларнинг ҳар бири кичик, тугал асар даражасига кўтарилиган: илова этилган боб мақолатлардан (шартли равишда) ажратиб олинганида ҳам улар үз мазмун бутунлигини йўқотмайдилар, маълум гоявий – эстетик ва ахлоқий тарбиявий вазифани бажариб келаверадилар»¹ – деган мулоҳазани ўртага ташлайди. Дарҳақиқат, Навоийнинг "Хамса"си таркибидаги достонлари, "Лисон ут – тайр", ҳатто, "Маҳбуб ул – қулуб" таркибидаги неча юзлаб ҳикоятлар, матал ва танбеҳлар замондошларимизга, шубҳасиз, келгуси авлод фарзандларига ҳам дину – диёнатдан, ахлоқ – одоб, меҳр – муруват ва бошқа инсоний комиллик белгиларидан беминнат сабоқ беради. Бошқача айтганда, улуғ сўз даҳосининг жажжи ҳикоятлари кичик маърифат чироқчасига үхшайдики, унинг нури неча минглаб, миллионлаб, миллиардлаб одам боласи қалбига, ақлу заковатига маърифат нурларини улашиб тураверади. Зинҳор – базинҳор интиҳо топмайди.

"Ҳайрат ул –абор" нинг таркибий тузилиши мураккаб. У анъанавий ҳамд, наът, чоҳорёлар таърифи, хотималовчи қисмлардан ташқари 60 бобдан иборат. Асосий қисмини йигирма мақолат ташкил этади. Мақолатлар сунггида уларга қўшимча ҳикоятлар келтирилади. Таъбир жоиз топилса, муazzам достоннинг ички қурилмасини йигирмата чироқ турли жойлардан нурлантириб туради. Улар зиёсидан алоҳида баҳрамандлик киши қалбига ўзгача ҳузур, фусункорлик бахш этади. Айримларини, гарчи улар маълум ва машҳур бўлсалар – да, бадиийлик компонентлари, хусусан, образ ва ғоя жиҳатдан таҳлил қилишга уринамиз. Зора, улар устозимиз бошлаган хайрли ишларнинг кичик бир давоми сифатида ҳамкасларимизда таассурот пайдо қиласа.

Навоийшуносликда шартли равишда "Нўшировони одил" деб юритиладиган ҳикоят достоннинг олтинчи мақолатига қўшимча тарзда ёзилган бўлиб, у муаллифнинг инсонни бошқаларга иззат – икром, тавозеъ курсатиши, ҳурмат бажо келтириши лозимлиги хусусидаги қарашларини айрича ифодалаш билан диққатга сазовор. Нўшировони одил туркий ва қардош халқлар фольклорида қандай кучли ақл ва тавозеъ эгаси бўлса, Навоий ҳикоятида ҳам шундай эҳтиромга муносиб образ сифатида тасвирланади. Мутафаккир шоир Нўшировоннинг подшоҳ этиб кўтарилишига асосий омил унинг одоб ва ахлоқда

Энг баркамол инсон булганидир, деб ҳисоблайди. Ҳикоятда үспири Нуширавоннинг бир қизга ишк қўйгани, унинг ўша пайтлардаги руҳий қиёфаси чинакам ошиқ суратини эслатади:

*Гунча каби кўнгли тўла қон эди,
Лек ғами хурдаси пинҳон эди.*

Яъни, шоир айтмоқчики, кўнгли фунча сингари қон(ли) бўлса – да, ғам қуйқаси кўнглида пинҳон эмиш. Шоир Нушировони одилнинг бир куни ўша гўзал билан суҳбатлашганини тасвирлайди. Нушировон суҳбатдошини қўлидан ушлаш мақсадида секин у тарафга қўл узата туриб, боғнинг бир жойига қараса, бир гул уларга қараб турибди. Одоб ва ҳаё эгаси бўлган ошиқ шу гул қаршисида бироз хижолат бўлиб, гўзал қизни боғ ичидаги қолдиради ва ўзи чиқиб кетади:

*To ани охир бу ариғ нияти,
Бўйла ҳаё шеваси хосияти.*

*Жумлайи олам аро шоҳ айлади.
Аслини оламга паноҳ айлади.*

Достоннинг еттинчи – сабр – қаноат хусусидаги бобига тиркалган жажжи ҳикоятда эса жувонмардлик, покизалик фазилатининг ҳаловати ва таъмагирлик иллатининг касофати хусусида ғоят қизиқарли манзара тасвирланган: Форс элидан

дуст Чин мамлакати томон сафарга чиқадилар. Узок йул юргач, улар гумбаздек катта тошга рупара келиб қоладилар. Тошнинг қоқ ярми ер ичидан, иккинчи ярми эса ер устида эмиш. Тошнинг тепа қисмида шундай ёзув битилган: "Ким тошни айлантирса, унинг остидаги маълумот орқали ҳисобсиз хазинанинг маконини билиб олади. Яна шу тошнинг остидаги бойлик ҳам ўшаники бўлади." Буни ўқиган икки дўстдан бири енг шимариб, тошнинг остини кавлашга киришади. Иккинчиси эса ёзувга парво қилмайди. **Ҳеч** нарса кўрмагандек йўлида давом этади. Бу ерда жувонмардларнинг эътиқодига ишора аниқ кўриниб турибди. Улар қўл меҳнатисиз эришилган ҳар қандай бойликни ҳаром ҳисоблайдилар. Умуман, бу ўринда Навоий жувонмард йигит деб атаган қаҳрамоннинг ижобий фазилатлари кўп. У аввало, ўз нафсини тийишга қодирлигини, шу боис бепарволигини амалда исботляяпти. Ҳамроҳининг таъмагирлигини сезган йигит уни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат ҳам қилмайди. Бу ишнинг натижасизлигини тушунади ва ўз йўлида давом этаверади. Таъмагирнинг уриниши, тер тўкиб меҳнат қилиши эса самарасиз якун топади. У бир умр қазиганда ҳам улкан тошнинг муайян бир қисмини ҳам оча олмасди. Бу ерда улуғ сўз даҳоси унинг таъмагирлигидан ташқари, ақлсиз ва фаросатсиз бир кимса эканлигини ҳам уқтиришга эришади. Унинг худди шу фаросатсизлиги қийналишига ва хорланишига сабаб бўлди, деган фоя ҳикоят ботинида яширин

туради. Сабр – қаноат эгаси бўлган йигитни эса кечга яқин гўзал бир шаҳар қаршилайди. Ҳикоят хотимасида аён бўладики, шу шаҳарнинг подшоҳи вафот этган, ерли халқ одатига кўра, шу куни шаҳарга кирган биринчи меҳмон юртта подшоҳ этиб сайланар экан. Ана сабр – қаноатнинг самараси. Бу билан Навоий ўқувчини ана шу қаҳрамондан ибрат олишга чақиради.

“Ҳайрат ул – аброр” мақолатлари ва уларга илова қилинган ҳикоятларда қандайдир тартиб, ички кетма – кетлик, сюжет поғонасида узвий давомийлик кузатилади. Гўё Навоий ҳикоятда бир мавзуни қаламга олдими, кейингисида шуни ривожлантиради, ғоявий асосни, панд – ўйтни борган сари қуюқлаштира боради. Бу фикрни боб билан ҳикоят боғлиқлигига нисбатан айтиш ҳам хато бўлмайди. Навбатдаги “Вафо бобида” мақолатига илова қилинган ҳикоят дарсликларда шартли равишда “Икки вафоли ёр” деб номланган. Ҳикоятда инсонлараро меҳр – оқибат ва ўзаро садоқат туйғулари улуғланади. У моҳияттан қадимги давр ўзбек фольклорида мавжуд бўлган “Дўндарас ва Амазак” афсонасига жуда яқин туради. Улуғ сўз даҳосининг халқ оғзаки ижоди сарчашмаларидан озиқланиши илмда кўп ёритилган. Навоий айнан биз юқорида номини тилга олган афсонадан фойдаланган бўлмаса – да, унинг ҳар ҳолда шу мавзудаги туркий афсона ва ривоятлардан яхшигина хабардор бўлгани, шубҳасиз.

"Дүндамас ва Амазак" афсонасида Скиф қабиласидан икки дүстнинг бир – бирини қонини ялаб дүст тутингани ҳикоя қилинади. Унда айтилишича, бир куни Савроматлар қабиласи тұсатдан Скиф қабиласига бостириб келади ва күп гунохсиз одамларни қириб ташлайди, маълум қисмини асир қилиб олади. Асир тушганлар орасида бояги икки ўртоқ ҳам бұлади. Улардан бири секин қочиб қолади. Хуллас, икки қабила Танамс (Сирдарё – А.П.) дарёсининг икки қирғоғида қоладилар. Асиrlарнинг құлини боғлаб, олиб кетаёттганларида Амазак дүстининг номини тутиб, бор овоз билан чақиради. Буни эшитган Дүндамас ҳаммани олдида үзини дарёга ташлайди. Сувдан кечиб, тұғри душман қабиласи ҳузурига боради. Уни найза билан отмоқчи бұлишади. Дүндамас эса "заррин" (бу сұз олтин дегани, одатта күра асрнинг хунини тұлаб, олиб кетиш мүмкін бұлған – А.П.) деб қичқиради. Савроматлар қабиласи бошлиғи важоҳат билан: "Қанча тұлайсан?" – деб сұрайди. Дүндамас эса: "Менинг үзим қоламан, дүстимни қўйиб юбор" – дейди. Бу шартта қабила бошлиғи күнмайды. Садоқатли дүст яна: "Унда менинг кўзимни ол, дүстимни қўйиб юборсанг, бас!" – деб қабила бошлиғига ёлворади. Қабила бошлиғи шартта рози бұлади. Икки дүст дарёдан сузид үтишгач, Амазак Дүндамасга: "Сен мени деб икки кўзингдан воз кечдинг. Сен учун зулмат бұлған бу дунёни күришдан мен ҳам юз үтираман," – дейди ва у ҳам икки кўзини үйиб ташлайди.

Алишер Навоийнинг "Икки вафоли ёр" ҳикоятида эса бошқача манзара, аммо, юқоридаги каби садоқат ва вафо моҳияти үзига хос кўтаринки руҳда ифода этилган. Икки дўст бир – бирига садоқати туфайли нафақат бир – бирини балки, бутун бошли ҳалқни озод этади. Темур Куррагон Ҳиндистонга ҳужум қилиб, бир неча навкарларни асир олади. Жаллод подшоҳнинг фармони билан бирин – кетин асир олингандарнинг бошини ола бошлайди. Навбат икки дўстга келади. Ўртада "низо" туғилади, яъни икки дўст жаллод тифини талашадилар. Жаллод: "Иккингизни бошингизни бирдан олиб ташлайман" – деса, бири: "Йўқ, аввал мени бошимни ол, токи мен үлгунча дўстим омон қолсин," – дейди. Иккинчи дўст ҳам худди шу фикрни изҳор этади. Икки дўстнинг садоқатини курган подшоҳ уларнинг, уларга қўшиб барча асиirlарнинг қонидан воз кечади.

Навоийшунослигимизда ёлғон ва унинг хунук оқибати хусусида "Ёлғончи Чупон", "Зоф ва Булбул" ҳамда "Шер ва Дуррож" номли ҳикоят ва масаллар бор. Булардан иккитаси "Садди Искандарий"да, биттаси – "Шер ва Дуррож" эса "Ҳайрат ул – аброр"да учрайди. Унда айтилишича, Дуррож билан Шер дўст тутинишади. Аҳдга кўра улар бир – бирларининг ҳолидан хабардор булиб туришлари керак. Аммо, Дуррожнинг ёлғончилик одати бор эди. Буни ҳеч тарк этолмасди. (Шу нуқтада шарқ адабиётида машҳур "Тошбақа

билин Чәён" масали варианлари эсга тушади – А.П.). Бундан Шер аввалига бехабар бўлади. Дуррож ҳар сафар: "Вой – дод, ким бор, тузоққа тушдим... Қутқа – а – ар!" – деб бақирар, шўрлик Шер (дўст – да, у – А.П.) буни эшитиб югуриб келар, қараса, Дуррож сайёд домига тушмаган, Шер алданиб қолар эди. Кунларнинг бирида Дуррож чиндан ҳам овчи тузофига илинади. Шер "бу сафар ҳам одатдаги ёлғон" – деб ўйлаб, ёрдамга бормайди. Шоир ўқувчига ҳаётий ўгит беради:

*Ҳар кишиким ростни бехост дер,
Айтса ёлғон доги, эл рост дер.*

*Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил.*

Алишер Навоий "Ҳайрат ул – аброр"даги ҳикоятларда у ёки бу фояни илгари сурар экан, албатта, мақолатлар мазмунига хос образлар тизимини тузиб чиқади. Асосий фояни юзага чиқариш учун бош образ ва иккинчи даражали образлар силсиласини яратади. Шунда ички ҳикоятлардаги образлар тузилишини шартли равишда уч гуруҳга булиш мумкин:

- а) бош фоянинг намоён булишида фаол иштирок этадиган асосий образлар;
- б) бош фоянинг ечилишида бош образга ёрдам берадиган ёки бош образ характерини

тулақонли очилишига хизмат қиладиган иккинчи даражали образлар. Булар рақиб характерида иштирок этадиган персонаж булиши ҳам мүмкін.

В) анъанавий образлар. Булар бош ғоя учун ҳамиша ҳам муҳим рол үйнайвермайды. Бошқача айтганда, уларни асар таркибидан олиб ташласа ҳам шоир ғоясига путур етмайды. Лирик қаҳрамоннинг "Соқий"га ёки "Ё раб" деб Аллоҳга мурожаат этишида үзининг ички аңдуҳи ёхуд руҳий кайфияти ифода этилади, холос. Аммо, бу дегани ҳикоятларнинг шу жойлари мутлақо керак эмас экан, дегани эмас.

Ёрдамчи образлар табиати мураккаб. У юқорида айтилганидек бош образ учун рақиб булиши мүмкін. Шундай ҳолда бош образнинг у ёки бу жиҳатини курсатиш учун ёрдамчи образлар ҳам асарда муҳим үрин тутади. Умуман, шундай холоса қилиш мүмкінки, достонда шу жумладан мақолат ва ҳикоятларда ҳам бирор бир үринде ортиқча тафсилотта дуч келмаймиз. Яъни ортиқча, бош ғоя учун хизмат қилмайдиган образ ёхуд деталнинг ўзи учрамайды.

Энди "Аввалги мақолат"га илова қилинган ҳикоятлар образлари билан танишамиз. Шоир ҳикоятга "Султонул орифинни ғамгин күриб, муридиға савол тили очилғони ва ул шофий жавоблар била аңдуҳлик күнглин холи қилғони" деб сарлавҳа қўйган. Биринчи мақолат – иймон шарҳида. Унга тиркалган ҳикоят ҳам албатта шу шарҳни мустаҳкамлаш ниятида яратилган. Ҳикоятда икки образ бор. Бири "султонул

орифин" – Боязид Бистомий, иккинчиси унинг шогирди – мурид. Дарвоқе, жажжи асарда шоир "Мен" и ва унинг мурожаат объекти "Соқий" образи ҳам йўқ эмас. Умуман, бу хусусият деярли ҳар бир ҳикоятда алоҳида кузатилади. Аммо, бирор үринда ҳам бош образ даражасига кутарилмайди. Бу ҳол, юқорида айтилганидек, анъанавий характерга эга.

Машҳур шайх – орифлар султони Боязид Бистомий атрофдагиларнинг иймонсизлигидан жуда ташвишланади. У ҳатто иймонсиз кишини одам қаторида санамайди. Унинг фикрича, (демак Навоий наздида ҳам – А.П.) иймон мусулмон юрагидаги буюк эътиқод. У охиратда одам авлодига шерик буладиган ягона туйғу. Бистомий ғофилларни иймонга даъват этувчи комил шахс даражасига кутарилган. Буни унинг муридига қилган маслаҳати билдириб туради. Мурид эса содда. У устозининг фикрига ҳайрон қолади. Боязиднинг:

*Ҳар кишига хуш кўринур ўз иши,
Бир киши йўқким – деса бўлгай киши.*

деган фикрига шогирди эътиroz қилиб (тасаввуфда муриднинг пирига эътирози беадаблик, унинг чиниқмаганидан, сўфийлик шартларини етарлича бажара олмаётганидан далолатдир – А.П.): – "Нега ундей дейсиз, ахир ўзингиз ҳам шу замон элининг одамисиз – ку?!" – деса, Шайх: " Мен – ку, мен, менга үхаш яна минг киши бўлганда ҳам, агар унда иймон бўлмаса

(Иймон диний билимлардан хабардорлик ва унинг қатъий амалини тақозо этади – А.П.), мен уни одам ҳисобламас эдим", – деб дадил жавоб беради. Бу гап буюк эътиқодли шайхнинг хокисорлиги ва камтарлигини англатиб турибди. Бистомий иймонсиз одамни ғам – қайғу азобига дучор булган кимса деб билади. Шу уринда улуг шоир "ғам тифи" поэтик образини қўллайди. Бу образ иймондан маҳрум бечора, афтодаҳол ҳалқ вакилларининг маънавий қашшоқ қиёфасини тула ифодалай олади:

*Барча бу ғам тифидан афгорбиз,
Барча бу мотамға гирифторбиз.*

Бу гап Бистомий тилидан айтилмоқда. Улуг шайх атрофида иймонсизлар бор экан, «султон ул орифин» ҳам ўзини гўё гуноҳкор санайди. Элдошларини иймонли қилолмаганидан ўкинади. Бу билан Навоий ҳар бир мусулмон бандасини иймонга, мўмин – мусулмон бўлишга чақиради. Бизнинг дориломон кунларда бу ғояларнинг қиммати, назаримда, янада муҳим ва долзарб туюлади.

Ҳикоят охирида эса, айтилганидек, Навоийнинг ўз сиймоси, лирик «мен» билан дуч келамиз. Навоий Бистомий тилидан одамларни иймонга чақирап экан, энди Аллоҳдан ўзига ҳам иймон тилайди. Ўзи ҳам чин мўмин – мусулмон бўлиш орзусида эканини баён қиласи:

*Ё Раб, ўшал тухфани охир нафас,
Айла Навоий ила ҳамроҳу ас.*

Сўнг муаллиф – ровий үз тилак – истагини соқийга мурожаат билан ойдинлаштиради:

*Соқий, ўлибмен, майи иймон кетур,
Жисмима иймон майидин жон кетур.*

*Қуйма бу кун жонима даврон майи,
Жоним ол, оғзимға қуй иймон майи.*

Таъкидаш жоизки, ушбу ҳикоятда соқий образи ҳам, май тимсоли ҳам бор. Табиийки, Навоийнинг соқийдан сўраётган майи бизнинг тасаввуримиздаги аччиқ ичимлик эмас. У ҳамма ҳавас қиласиган "иймон майи". У кишини иймонлик қиласиган «шароб»дир. Демак, май образи тафаккур маҳсули. Навоий ижодида, умуман, мумтоз адабиётда "май"нинг маъно қирралари жуда кўп. Инчунин "соқий"нинг ҳам. Дейлик, мумтоз шоирларда "маъни майи", "ижод майи", "адл шароби", "жон суйи", "бода", "ақл майи", (тибиётда ақлнинг бир томчи сувга ухшашиб модда эканлиги исботланган – А.П.) ва бошқа шоир хаёлидаги мақсадга етакловчи ёхуд муайян фоявий ниятни юзага чиқарувчи турли туман шароб турларига дуч келамиз. Булар моддий нарсалар эмас, балки ижодкорнинг шоирона парвози – орзу истагининг, шахсий қечинмасининг, аҳвол – руҳиясининг ифода воситаларидир.

Энди анъанавий соқий образига ҳам қисқача муносабат билдириб ўтсак . Чунки достон

мақолатларида ҳам, ҳикоят ва масалларда ҳам бу образга дуч келамиз. Соқий "Ҳайрат ул – аброр" ва "Садди Искандарий" да кўп тилга олинади. У Навоий учун мурожаат манбаи. Қаерда "Эй Навоий" дейилса, кўпинча "Эй Соқий" деб ҳам айтилади.

Соқий – мумтоз эпик шеъриятда энг кўп тилга олинадиган сўз – образдир. Унга шоирлар томонидан қайта – қайта мурожаат қилинишининг асосий сабаби унинг сермаънолилигида. Соқийнинг фақатгина улфатларга май улашувчи даврабоши сифатида талқин этиш мутлақо тор тушунча ҳисобланади. Навоийнинг жажжи ҳикоятларида соқий улуғ сўз даҳосининг яқин дўсти, сирдоши, маслаҳатдоши, ғамдоши, гоҳо илҳом париси сингари қиёфада жонланади. Боз устига шоир ҳикоят ёки масалнинг (бу ҳол достон фасллари, мақолатлар, сўнггида ҳам кўзга ташланади – А.П.) муваффақиятли чиққанидан хурсандчилигини ўқувчидан яширмайди. Дастрлаб "Ё Раб!" деб Аллоҳга шукrona айтади. Кейин соқийдан "май" сўрайди. Бу май, табиийки, хурсандчилик шароби ҳисобланади.

Хуллас, Навоийнинг "Аввалги мақолат"га илова қилинган Боязид Бистомий ҳақидаги ҳикоятида одам боласи дину – диёнатга, инсоф – иймонга чақирилади. Шоирнинг бу фоясини юзага чиқариш учун битта бош образ – Боязид Бистомий ва битта ёрдамчи – мурид образи бор. Қолганлари эса анъанавий образлар доирасига киради.

Савол туғилиши мумкинки, анъанавий образ ва тимсоллар бош фояга унчалик хизмат

қилмаса, нима учун Навоий бу образларни күп истифода этади? – деб. Саволда жон бор. Унутмаслик лозимки, ҳар қандай ижодкор, жумладан, Навоийнинг ҳам ижодий жараёндаги руҳий ҳолатини ҳар ким ҳам ҳис қиласкермайди. Шоир ижодга – "ижод дарёси"га шўнғиган. У ўзини бирдан тўхтата олмайди. Бу жуда мураккаб жараён. Қолаверса, ўша анъанавий образлар шоир билан "доимо бирга". Уларга мурожаат қилиш, улар билан асар воқеалари тизимида бақамти ҳаракат қилиш шоирга одат. У уларсиз ўзини эркин ҳис қила олмайди. Бошқача айтганда, "Хамса"да "уч бирлик" мужассам. Шоир, Соқий, Худо. "Хамса" фоялари ана шу уч бирлик уйғунлигига юзага балқиб чиқади. Бу адабиётчилар тилида анъана дейилади. Анъанавий образлар жуда күп. Биз уларнинг фаоллари хусусида қисқача гапирдик, холос. Анъанавий образлар ҳозирги шеъриятимиз дунёсида ҳам яшаётир. Улар ўлмайди, ижод бор экан, улар ҳам йўқ бўлмайди.

"Шер билан Дуррож"да ана шу икки мажозий қаҳрамонни етакчи образ ҳисоблаймиз. Сабаби, шер орқали шоир садоқатли, меҳрибон, ғамхўр, ҳақиқатчи ва ростгўй кишилар ҳисесини тасвирлаган. Дуррож эса бу үзини ҳам, баттол, лакчи қиладиган ишининг тайини ишлаб, баттол, лакчи үзини ҳам, ўзгаларни ҳам тасвирни йўқотадиган ёлғончи, муттаҳам. У шу оқибатида тузоқча тушади. Бу билан шоир –

ҳикоячи "бундай кимсаларнинг айби, албатта, фош бўлади, гуноҳкорлар ўз жазосини олади", — деб одамларни росттўйликка, меҳр — оқибатта, вафо ва садоқатга даъват этади. Асарда ёрдамчи образлар тизими ҳам бор: шернинг боласи, чумоли боласи, сайёд образи ва тузоқ детали бош фояни асосли, ёрқин намоён булиши учун хизмат қилган. Навоий ҳикоя қиласиган шернинг боласи бор эди. У чумоли боласини босиб ўлдиришни яхши кўрар эди. Табиийки, бу шерга ёқмас эди. Шу боис шер ўз боласини оғзида олиб юрар эди. Воқеанинг шу жиҳатлари билан танишган зукко китобхон шернинг мард, танти, жасур, меҳрибон қиёфасидан хабардор бўлади. Сайёд (овчи) асарда иштирок этмайди. Навоий Дуррожга унинг тузоги орқали жазо қўллайди. Аёнки, тузоқ овчининг қуроли. У атай Дуррож учун қўйилган эмас. Унга шер ёки унинг боласи ҳам тушиши мумкин. Аммо, шоир наздида ҳар ким қиласига яраша жазо олиши муқаррар. Масалдан кутилган бош фоя — шу.

Жажжи асарнинг яна бир нозик фазилати хусусида гапирмасак, таҳлил кемтик булиб қолиши мумкин. Навоий шер боласи ва чумоли боласи воситасида асар бағрига фоят ибратли муддаони жойлаштиради. Мутафаккир яхшилар ўзидан кўпайсин, авлод қолдирсин, ёмонлар эса қуриб битсин, тузоқда чирисин, деган ҳукмни хуфёна эълон қиласики, энди бу ҳодиса миллий ўзандан анча кўтарилиб, умуминсоний фоялар тарғиби даражасига кўтарилади. Кўринаётирки, буюк даҳо қаламидаги бош фоялар силсиласи ёндош фоялар салмоини ҳам такомиллаштиради.

"Ҳайрат ул –абор"нинг учинчи мақолати "салотин" – султонлар хусусида. Унда Навоий тарихий – афсонавий ҳукмдорлар номи, адли, зулми, қаҳру ғазаби, меҳр – шафқати, умуман, ҳар бир подшоҳ шахсиятининг ўзига хос жиҳатларини ғоят қизиқарли баён қиласди. Эл ва элпарварни чиройли ташбиҳларда мақтайди. Тадбир ва режасиз салтанат соҳибини қоралайди. Шоҳни чўпон, элни эса сурувга ёхуд бирини боғбон, иккинчисини боғ дараҳтларига, гулу – гулзорларга ўҳшатади. Шу йўл билан мутафаккирadolatning қарор топиш омилларига юртбоши эътиборини қаратади, унга панд – угит беради. Шу бобда илова қилинган машҳур "Шоҳ Фозий" ҳикояти чуқур ижтимоий – сиёсий мазмуни билан юқоридаги мақолат мазмунини бойитади, уни тұлдиради ва мантиқий асослайди. Боз устига мазкур ҳикоят Навоийнинг ижодда фольклор сарчашмаларидан баҳра олишига кичик бир далил ҳам бұла олади. Воқеан, шоҳ Фозий бир неча құрбонлар эвазига тахтни құлға киритиб, зулмни даф қиласди, боғ – роф қуради, йўл очиб, сув оқизади. Мактаблар, масжидлар қуради. Тинч ва тотув ҳаёт тарзини ўрнатади. Бир кун сайр чогида бечораҳол бир кампир унинг этагидан тутиб шикоят қиласди: "Эй, шариатпаноҳ! Сенга арзим бор. Мен сенга шариат юзасидан даъво қиласман. Шарт шуки, саволларимга қози ҳузурида жавоб берасан", – дейди. Подшоҳ рози бўлади. Кампир қози ҳузурида "қозоқлар билан бўлган жангда бу шоҳ яккаю – ёлғиз ўғлимни

ўлдириди. Энди жавоб берсин" – деса, қози кампирдан икки гувоҳ талаб қиласи. Кампир эса: "шоҳда инсоф ваadolat бўлса, гувоҳга ҳожат йўқ", – дейди.

*Шоҳ degi: "Шаръ этса бу янглиғ ago,
Шаръи наби ҳукмиға жоним фидо."*

*Еглиғ ила боғлади бўйини руст,
Юз ҳамённинг dogи бўйини суст.*

*Tif бериб золга беваҳму бийм.
Бир сори dogи тўкубон ганжу сийм.*

*Деди: "Қасос айласанг оллингда бош,
Сиймни ол, гар гаразингдир маош.*

*Мен эдим ул амрда беихтиёр,
Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр".*

Яъни, подшоҳ кампирга "ё бошим, ё маошим" деб унинг олдига юз ҳамён тилла қўяли. Кампир подшоҳнинг одил сиёсатига тан беради. Натижада даъвогар шоҳ бошидан ҳам, сийму заридан ҳам воз кечади. Аммо, подшоҳнинг карами кенглик қилиб сийму зарни кампирга беради. Эл ичра кампир "золу зар" – тилла кампир лақабини олади. Ҳикоят сўнгтида роқим анъанавий тарздаги соқийга мурожаат қилиб, май сўрайди. Энди бу гал шоир соқийданadolat майи – "жоми адл"ни сўрайди.

Достон хотимасига уланган энг охирги "Ул қул ҳикояти" да эса моҳияттан биз ҳозир таҳлил қилган жажжи асарнинг ғоявий негизи ривожлантирилади. Алқисса: қадим замонда бир "Хисрави соҳибкарам" бўлиб, унинг лутфи марҳаматидан юрт тинч, эл обод ва фаровон, ҳалқ эса тотув, аҳил яшар экан. Навбатдаги сарой базмларидан бирида хизматкорлардан бири шоҳга овқат келтираётib тасодифан тойиб кетади ва иссиқ таомни подшоҳнинг бошига тўкилишига сабабчи бўлади. Эл бу нобакорни бир овоздан үлим жазосига лойиқ топадилар. Подшоҳ эса гуноҳкорни жазодан мутлақо озод этади. Нега? Сабаби маълум. Қул подшоҳга қасд важҳи билан гуноҳга қўл урмаган. У тойиб кетган, тасодиф рўй берган эди. Хунук воқеа, кутилмаган даҳшатли манзара содир этган қул қилган ишидан ниҳоятда хижл бўлади. Буни одил шоҳ тўлиқ идрок этади. Авом эса жазолаш тарафдори. Шунда вазир хушомадлик билан авом фикрини подшоҳга етказади. Вазирга жавобан:

*Шоҳ деди лутф била завқнок:
"Ким ани худ хижлат этибдур ҳалок.*

*Кимса ўлукни, яна ўлтурмаги,
Тийғи сиёсат бошига сурмаги.*

*Ҳар киши ҳалқ ичра гуноҳкорроқ,
Авфу иноятга сазоварроқ".*

Бу Навоий кашф этган энг адолатли подшоҳ сиймосидан яна бири эди. Ҳикоят ҳам хотимани, ҳам достонни якунлайди. Шоирни бу галги сўрайдиган майи алоҳида сифатланмайди. Фақат кўпроқ, тўлароқ бир "хум" ҳажмида ичиш истаги бор, холос:

*Соқий олиб кел тўла паймонае,
Йўқ, галат айтдим, тўла хумхонае.*

*То они кўп–кўп олибон сипқорай,
Кўп–кўп ичиб, бирдам ўзумдин борай.*

Хуллас, "Хамса" таркибидаги, хусусан, биринчи ва бешинчи достонлар жисмидаги кичик ҳикоятлар ҳам улуг шоир меросининг ички тармоқчалари сарасига кирадики, уларни матн жисмидан "юлиб олиб" талқин қилиш, беқиёс бешлик маҳобатини камситмайди, аксинча, юксалтиради. "Хамса"нинг 1986 йилда F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган нашрида илова ҳикоятларни тушириб қолдирилиши, уларда диний – тасаввуфий ғояларнинг акс этгани билан боғлиқ. Машъум шўро мафкураси бу мавзудаги асарларни, ҳатто, жажжи ҳикоятларни нашр этишга ҳам монеълик курсатарди. Шукрки, Навоий асарларининг истиқлол давридаги нашрларида сўз даҳосининг бирор бир сўзи тушириб қолдирилмади. Сунгги тилак буким, сиз ҳурматли ўқувчим, Навоий "Хамса"сини тўлиқ ўқиб

чиқишиңгиз шарт әмас. Илло, бунга сизнинг тафаккурингизнинг қуввати етмаслиги, эҳтимол. Аммо, "Ҳайрат ул-аброр" ва "Сади Искандарий"ни, албатта, бутунисича үқинг. Чунки улар, айниқса "Ҳайрат" ибрат, ҳа, ҳа, у тұла-тұқис ибрат ва ҳикмат достонидир.

АТО РОЗИ ЭРСА...

Алишер Навоийнинг безавол назмий меросида ахлоқ – одоб масаласи буюк шоир эътиборидан ҳеч соқит бўлмайди. Унинг саховат, адолат, инсоф, тавозеъ, каттага ҳурмат, кичикка иззат, етимпарварлик ва бошқа инсоний фазилатлар ҳақидаги панд – ўгитлари назм риштасига шу қадар мустаҳкам бойланадики, гүё улар үқувчи хотирасига худди халқ мақоллари, ҳикматлар, афористик иборалар сингари муҳрланади. Исталган мавзудаги адабий, маънавий, маърифий тадбирларда Навоий ибораларини шиор қилиб олиш мумкин. Дейлик, бу йил – "Ижтимоий ҳимоя" йили. Навоийнинг ҳиммату саховати, етим – есирларга кўрсатган ғамхўрлиги, бир неча хонақоҳлар, работлар, мадрасалар ва шифоатхоналарни ўз маблағидан қуриши, илм ва ижод аҳлига кўрсатган ҳомийликлари бизнинг замондошларимиз учун ибрат намунаси әмасми?!

Ҳатто, "бир навбат Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолига солинган юз минг динор қўшимча солиқни ўз маблағларидан тұлаб, мазлум

аҳолини ундан қутқарди" – дейди тарихчи Хондамир "Макорим ул – ахлоқ" да.

Навоий илм аҳли, хусусан, диндорлар ахлоқини жуда қадрлайди. Уларни маърифат ёлқини, мазлум халқ чароғбони дея эъзозлайди. Шу билан бирга динни ниқоб қилиб олган баъзи риёкорларни қоралайди, улар қиммишини фош этади. Унингча, дунёда динни ниқоб қилган риёкор ғофиллар элидан пасткаш зотлар бўлмас экан:

*Бу эл эрур барча ёмондин ёмон,
Ҳар не ўқ ондин ёмон, ондин ёмон.*

Навоий оиласда ота ҳурмати ва она иззатини ҳам жуда қадрлайди:

*Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун кунингга айлагали нури пош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

Сўз санъатида, шубҳасиз, онани улуг зот сифатида қадрлаш, эъзозлаш лозимлиги хусусида ҳисобсиз шеърлар ёзилган. Аммо, таъби баланд шоирлар отани улуғлаш ҳақида ҳам талай ашъор битишни унутмаганлар. Буни улуг сўз даҳосининг юқоридаги қитъаси ҳам исботлаб турибди. "Фарҳод ва Ширин" нинг XVII бобида Ҳоқон қариликни важ қилиб таҳтни ўғлига – Фарҳодга топширмоқчи бўлади. Ушбу манзара шу қадар жонли, руҳий

энтикишлар фонида тасвиirlанадики, отанинг ўғлига мурожаати, панд – насиҳати, тахтдан воз кеча олиш құдрати, ўғлини – да, шу беқиёс салтанатта муносиб билиши гүё васият оҳангидә жаранглайдики, мазкур садони Навоий тилидан тинглаш бағоят мароқли:

*"Атоким сен каби фарзанди бўлғай,
Ҳаёти нахлининг пайванди бўлғай,*

*Агарчи ўлса ҳам ўлдим дегайму?
Ўлим вақти етишгач ғам егайму,*

*Чу йўқдур эътимоди умр ишига,
Қачон ўлмоқ яқин эрмас кишига.*

*Йигит истар қариликнинг навиди,
Қариға йўқ йигит бўлмоқ умиди.*

*Қарилик дарди бедармондир охир,
Бир иш кўнглумда кўп армондир охир.*

*Ки ўлмасдин бурун очиб кўзумни,
Сарир узра йигит кўрсам ўзумни.*

*Ки яъни тожу – тахту салтанат ҳам,
Сипоҳу, мулку, молу, мамлакат ҳам.*

*Бори бўлса сенинг бирла музайян,
Сени ўз ўрнима қилсан муайян.*

*Сенга тутсам мусаллам подшолиқ,
Халойиқ устида кишвархудолиқ.*

*Манга шоқлиқда құллық ҳам қыл әмди,
Атолиқ ҳам, үгуллиқ ҳам қыл әмди.*

*Неким элнинг салоҳидир они қыл,
Менинг будир салоҳим әмди сен бил"...*

Отанинг, ота бўлганда ҳам фармонбардор отанинг ўз зурриётига мурожаати ҳар қандай үғилни (үқувчини ҳам – А.П.) шошириб қўяди. Лекин Фарҳод ота учун муносиб фарзанд, фармонбардор учун муносиб валиаҳд. У меҳру такаллуф, иззат – икром ила тубандаги жавобни беради:

*...Туриб маъразда сўз–аҳдимни билмон,
Жавоб айтурға ўз ҳаддимни билмон.*

*Неча туфроқ эса жисму ҳақири
Вале бир–икки сўздин йўқ гузирим.*

*Бири улким чу йўқ умр эътимоди,
Йигит–қарига тенғидир зулми доди.*

*Вале оламда ҳар не бўлса мавжуд,
Бақосига эрур бир навъ маъҳуд.*

*Қаю машъалки базм айлар музайян,
Учар юз минг шараф ул шуъла равшан.*

*Гиёҳ юз минг бўлур бўстонда барбод,
Вале юз йил турар бир сарви озод.*

*Кичикларга кичикдир умр асоси,
Улуғларга улуғроқдир қиёси*

*Яна бири буки ар топса юз йил,
Чекарму паша, ҳар неким чекар пил.*

*Агарчи эрса холи қолса мутлақ,
Тутарму анда шоҳ ўрнини бўйдақ.*

*Қуёш магриб сари ёшурса дийдор,
Туман минг заррадин бир йўқ падидор...*

Курдингизми, Навоий Чин ҳоқони қиёфасида баркамол ота сиймосини яратган бўлса, Фарҳод қиёфасида муносиб ўғил образини кашф этган. Навоий ижодида бу каби ибратга лойиқ қаҳрамонлар жуда кўп кузатилади. "Ҳайрат ул—аброр"нинг 20—мақолатига илова этилган жажжи ҳикоятда Ҳожа Муҳаммад Порсонинг (бу киши Шарқда кенг тарқалган тариқатлардан бири Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳовиддин Нақшбанд халифаларидан бўлган—А.П.) ўз ўғли Ҳожа Абу Насрга муносабати ҳикоя қилинади. Чунки 20—мақолатда Навоий Султон Бадиuzzамонга (Ҳусайн Бойқаронинг ўғли, 14 ёшда қатл этилган Мўмин Мирзонинг отаси—А.П.) кўп насиҳатлар қилиб, илова қилинган ҳикоятда Ҳожа

Абу Насрнинг отасига курсаттан иззат – икромини шаҳзода Бадиузвзамонга ибрат қилиб курсатади: Алқисса, Шайх Ҳожа Муҳаммад Порсо ўғли билан ҳажга боради. Зиёратчилар Маккада дуо ўқишини шу шайҳдан илтимос қиласидилар. Аммо, шайх дуо ўқишини ўз зурриёдига – ўғлига топширади. Бунга йиғилганлар ҳайрон қоладилар. Ҳатто эътиroz ҳам қиласидилар. Шунда Ҳожа Муҳаммад Порсо:

*"Айтдиким: ул манга фойиқ дурур,
Бўйла баланд иш анга лойиқ дурур.*

*Кимсаки ўқ раҳбари бу йўл аро,
Мумкин эрур озмоги ҳар қўл аро.*

*Йўқ эди ўз йўлда манго раҳнамой,
Тангри мани қилди анга раҳнамой...*

деб, фарзандига ижозат сабабини изоҳлади. Ўғил дуо ўқийди. Унга ҳамма, жумладан, падари бузруквори ҳам жур булади. Дуо сўнггида ўғил яна тангрига мурожаат қилиб; "Агар менинг дуом меъёрига етмаган бўлса, отам розилиги учун, дуога жур бўлгани учун менинг илтижоларимни зое кетказма" – дейди. Шу дуо баҳона Навоий энди лирик чекиниш қилиб, Бойқаро ўғилларига насиҳат қиласиди. Афтидан Навоий "Фарҳод ва Ширин"ни битаётганида Бойқаро салтанатида aka – укалар ўртасида низо пайдо бўлиб, бу улуғ шоирни бефарқ қолдирмаган кўринади. Шоир шаҳзодалардан ўша омину дуо ҳурмати учун инсофга келишларини талаб қиласиди:

*Е Раб! Ул омину дуо ҳурмати,
Ё у ўғил бирла ато ҳурмати.*

*Ким бу ато бирла ўғилни мудом,
Давлату дин таҳтида тут мустадом.*

*Ўзга ўғилларни ҳам эт муҳтарам,
Анга ўғил, бунга иниларни ҳам.*

Ота рози – Худо рози, дейилади халқ мақолида. Ўзбекларда ота уйда ётса, ўғил учун томга чиқиш гуноҳ саналади. Шунингдек, қиз боланинг турмушга чиқиш олдидан ота тиззасига уч марта бош уриши, ундан нон, туз учун рози – ризолик сўраши шарқона одобни билдиради. Мусулмонларда ота мавқеи жуда баланд. Навоий айтадики, ота ўғилга нисбатан кўрган чора – тадбирни ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳатто, бу ишга ҳуқуқ органлари ҳам шариат бўйича аралаша олмас экан:

*Ато рози эрмас, халқ рози эрмас,
Анинг зулмига ҳеч ким қози эрмас.*

Ҳиндоларнинг "Соқов ва муҳаббат" деган киноси бор. Унда бир йигит бир қизнинг номусига тегиб, айбни ақли андек заиф ва тили гунг бўлган укасига ағдариб, қаматмоқчи бўлади. Катта ўғил нобакорлигидан хабардор ота беозор ўғлини, шу асосда ҳақиқатни ҳимоя қилиш учун катта ўғлини отиб қўяди.

Уч қизнинг меҳрибон отаси бўлган марҳум шоир Муҳаммад Юсуф ўзбек қизларига бағишлаб ёзган шеърида қизнинг отага ғамхўрлиги ўғилларга нисбатан анча баландлиги жуда таъсирили ифодаланган:

Қиз бор ота ёт бағирда ўлмаган.

Буни энди изоҳлаш ортиқча бўлса керак.

Ушбу мисра улуғ Навоийнинг юқоридаги байти моҳиятини замондошларимиз учун яна – да теранлаштиради. Яъни, Навоий эътирофи бўйича, бир фарзанддан ота рози эмасми, демак ҳалқ ҳам норизодир.

НАВОИЙНИ СЕВГАН НОЗАНИН

Улуғ сўз даҳосининг танмаҳрамга эҳтиёж сезмай, ёлғиз ўтиши сабаблари ҳар бир давр ўзбек ва қардош миллат вакиллари учун жуда қизиқарли туюлади. Аввало шуни айтиш лозимки, Навоий даврида уйланмаслик камчилик саналмаган.³ Бу ҳодиса ҳозир ҳам хато эмас. Боз устига Ҳазрат турмуш икир – чикирларига берилганида, ижод ва шу орқали абадият чўққисининг бу қадар баланд поғонасиға эришмаган бўлур эди. Аммо, барибир Навоий ҳаётининг сири, унинг ёлғизлиги сабаблари изчил ва теран ёритилмаган. Унутмаслик лозимки, Навоийнинг ўз ёзмишлари,

замондошларининг баъзи ишоралари, кейинчалик, ҳатто, ҳозирги замонда ҳам учраб турадиган баъзи кишиларнинг буюк шоирга нисбатан "эрлик қуввати бўлмаган" деган шубҳа – тахминлари мутлақо асоссизлигини билдиради. Гап шундаки, ишқий – интим муносабатлар тасвирида Навоий шу қадар жонли манзара, эҳтирослар ҳаловатини ифодалайдики, натижада висол лаззатидан, маъшуқанинг асални "хижолат" қиласидан лабларидан баҳраманд ошиқина тасвирнинг ана шундай жозибали маромини таъминлаши мумкин, деган холосага келасиз. Буюк шоир авлодларнинг ушбу муаммо атрофида пачакилашиб юришини сезган шекилли, беш ярим аср наридан туриб бизни шундай огоҳлантиради:

*Айламанг бекаслигимни таън бир кун бор эди,
Менга ҳам бир нозанин–чобуксувор, эй дўстлар!*

Айламанг – қилманг, таън – таъна – маъломат, чобуксувор – чавондоз дегани. Демак, байт мазмуни қуидагича: Ёлғизлигимни ҳадеб, таъна қилаверманг, яъни юзимга солаверманг. Менда ҳам бир чавондоз (Навоий даврида канизакларнинг отда юриши оддий ҳодиса бўлган – А.П.) каби малаксиймо бир нозанин бор эди, эй дўстлар!

Кўрдингизми, демак, Алишер Навоийнинг ёшлигига яхши кўрган севгилиси бўлган. Аммо, уларнинг тақдирни қўшилмаган куринади. Фольклорда тилга олинадиган Гулининг тарихий – ҳаётий

илдизлари бўлгани навоийшуносликда кўп таъкидланган. Ҳусайн Бойқаро "Мажолис ун-ушшоқ" тазкирасида Мир Алишернинг бир малаксиймо билан мажлис қурганини ёзган.

Улуғ Навоий "Лисон ут-тайр" сўнггида мана бу маълумотларни ёзиб қолдирган:

*Бир неча кун умрдин топсам амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.*

Навоушунослар бу байтни "Умрдин топсам амон" сўзларига таяниб, "шоир худо умр берса, ўз ишқим шарҳини бир достонда ёзиб қолдираман" деяпти деб тушунтирадилар. Ҳақ гап. Лекин, назаримда, бу ерда интуиция – ички сезги йўқقا ўхшайди. Байтдан юқоридаги маъно англанса, бундан шоирнинг ўз тақдирига, ҳаётига ишончсизлик билан қараган – деган фикр тушунилади. Шундай булиши мумкин. Маълумки, Навоийнинг қон босими бўлган. Эллик ёшдан сўнг шоирнинг қон босими тез – тез кўтарилиб турган. Бунга сабаб темурий шаҳзодалар ўртасида сиёсий курашлар, атрофдагиларнинг меҳр – оқибатсизлиги бўлган. Шу жиҳатдан юқоридаги талқин қониқарлию, аммо, "Умрдин топсам амон" сўзларини мен сал бошқачароқ англаш ҳам мумкин, деган хуносага келдим. Навоий умр деганда вақтни назарда тутган булиши, эҳтимол. Улуғ шоир вазирликдан истеъро берса – да, унинг вақти жуда тифиз бўлган. Умри охирида юқоридаги байт учрайдиган "Лисон ут-тайр" ва "Маҳбуб ул – қулуб"

сингари асарлар устида жиiddий ишлаган. Шунингдек, сўз даҳосининг Ҳусайн Бойқаро юришларига бағишиланган "Зафарнома" типидаги тарихий – солнома ёзиш, "Юсуф ва Зулайҳо" сюжети асосида бир туркий достон ёзиш режаси ҳам бўлган. Хуллас, "Умрдин топсам амон" деганда шоирнинг "вақтим етса, бошқа ёзмишларимни тезроқ тутатсам, шахсий муҳаббатим баёнида бир достон ёзаман" деган улуғ муддаоси изҳори ҳам мужассам. Албатта, бу гап вақт деган шафқатсиз ҳакамнинг тифизлигидан ташқари, шоир режаларининг бисёрлигини, шунингдек, сўз даҳосининг соғлиғи ҳаминқадар бўлгани хусусидаги маълумотларни ҳам қамрай олади. Шу маънода бу талқин юқоридаги мавжуд фикрларни инкор қилмайди. Балки улар бир олманинг икки юзи каби бош муддао изҳори учун муштарак хусусиятта эга. Навоийнинг ёлғизлиги масаласи кўпчилик замондошларини, ҳатто, Ҳусайн Бойқаро ва Ҳадичабегимни ҳам анча ташвишга қўйган. Баъзи олим ва ёзувчилар (масалан, Хуршид Даврон) халқ оғзаки ижодидаги Гули илдиз – эътибори билан Ҳадичабегимга бориб тақалади, деган фикрни илгари сурадилар. Профессор Ҳамиджон Ҳомидий эса шахсий суҳбатлардан бирида "бу гапда тарихийлик йўқ, Навоийдай покдомон, буюк шоир Ҳадичабонудай танноз, ўз манфаати йўлида бошқа шаҳзодаларнинг бошини ейдиган қаҳри қаттиқ аёлни севиши мумкин эмас эди" – деган гапни айтган. Аммо, Хуршид Даврон ҳам, унинг фикрини қувватлайдиганлар ҳам юқоридаги мулоҳазаларни

узлари тұқиб чиқармаганлар. Қолаверса, Гулининг қисмати, унинг икки үт орасида қолиши у ё бу даражада Хадичабегимнинг қызлик даврига ишора қиласы. Хадичабегим асли ҳиротлик булиб, олти ёшида Султон Абусайид Мирзо Ҳиротни олгач, унга ҳаля этилган. 14 ёшида Абусайидга теккан. Унинг биринчи эридан бир қизи булиб, унинг кейинги тақдирі ҳақида маълумот йүк. 1469 йил Султон Абусайид Ироқда ҳалокатта учрайди ва тахтни Ҳусайн Бойқаро әгаллады. Уч ойдан сүнг Султон Абусайднинг гузал хотини Хадичабегимни никоҳига олади. Махфий қолмасинким, Навоийнинг Самарқандға Абусайид томонидан сургун қилинишининг бир сабаби ҳам унинг Хадичага бұлған мұхаббати натижаси булиши мүмкін. "Бобурнома"да бу сургун тафсилоти номаълум эканлиги ёзилған.⁴

Малика Хадичабегим қызлик даврида ҳам, кейин ҳам ҳусни латофатда тенгсиз бұлған. Бойқарони қанча гузал, ёш маликалари ва канизаклари бұлғани ҳолда тез – тез Хадичабегим билан суҳбат қуриши, майхұрлық оқибатида күпинча ана шу латофатли ва танноз аёлни ҳузурига чорлаши бежиз бұлмаган. Шу маънода Хадичабегимнинг қызлик даври Навоийни ром қилгани, эҳтимол. Навоийнинг юқорида келтирғанимиз биринчи байтда "бор эди бир нозанин" деб фарёд чекиши, үша Хадичабегимнинг қызлик даврига ишора қилғандек таассурот пайдо қиласы. Маликанинг аҳлоқи эса сарой ифвоси ва фитналарининг оқибатида тубанлашған. Унинг феълидаги маккорлик, танбаллик, әзмалик иллати ҳақида Бобур Мирзо ҳам ёзған: "Ўзини оқила тутар эрди, vale беақл ва пургуй (әзма)эрди..."⁵

Яна бир ҳақиқат билан ҳисоблашиш лозимки, Хадичабегим ҳам ўз навбатида Навоийга севги майли билан қараган. Акс ҳолда буюк сўз даҳосининг бекаслигидан ташвишга тушмасди. Буни навоийшунос Шуҳрат Сирожиддиновнинг мулоҳазалари ҳам қувватлайди.⁶ Боз устига Навоийнинг эрлик қувватига шубҳа билан қараган биринчи гумондор ҳам Хадичабегим бўлган. Бу билан шаккок малика ўз ҳусну латофатини рўкач қилиб (унинг ошиқлари кўп бўлган, улар Хадичани малика бўлгани учун "одоб сақлаш"га мажбур бўлишган – А.П.), Навоийни ўз суҳбатига таклиф этмаганидан шикоят қилаёттани сезилиб турибди. Бойқаронинг жами 25 (14 ўғил, 11 қиз) фарзанди бўлган.⁷ Табиийки, улар бир хотин ё бир канизакдан эмас. Аммо, Хадичабегимнинг бошқа киши, дейлик, бошқа аъёнлар билан алоқаси бўлгани ҳақида тарихда бирор бир ишора йўқ. Афтидан малика Бойқарога жуда садоқатли бўлган. Зайниддин Восифий "Бадоеъ ул – вақоеъ" асарида Ҳусайн Бойқаро канизаклари орасида бир Давлатбаҳт деган нозанин бўлиб, Навоийнинг "кўнгил қуши онинг ишқи ҳавосида парвоз этар эрди", деган маълумотни берадики, бундан Навоийнинг "чобуксувори" уша канизак бўлиши мумкин, деган навбатдаги тахмин туғилади. Шунингдек, Бойқаро ва Хадичабегимнинг Навоийнинг эрлик қувватини синаш учун тузган тадбирлари ва унинг амалиёти ҳам "Бадоеъ ул – вақоеъ"да чунонам гузал эпизодик саҳнада тасвирланадики, бу ўринда уша тарихий бадиий

манзаранинг Мұхаммад Ризо Отакий (XIX аср) қаламидағи таржимасини ҳұмкінгизга ҳавола этамыз: «Ҳожа Маҳмуд Тойбодий дер әдиким, бир кун Султон Ҳусайн Мирзо Амир Алишернинг поқдомонлиқ ва порсоликин таъриф ва тавсиф қилиб, бу ерга еткурмиш эрдиким, Ҳазрат Мир то адамдин вужудға келгандын бүён исмати түнининг этаги шаҳват лавойи била олуда ва фугути яқосининг тұгмаси ҳавою – ҳавас илги била фарсада бұлмамишдур. Билқиси замон, зубайдайи даврон Ҳадичабегимга бу сұз бовар тушмай деди: "Агар мундоқ эрса, Ҳазрат Мир ҳездур ва рижлати (эрлик қуввати – А.П.) йүқдур" ва они имтиҳон қылмоқ тилади. Ҳадичабегимнинг Давлатбаҳт отлиғ бир канизаги бор эрдиким, пари пайкар ва малак манзар ва нозпарвар, ишвагарлиқда жимодға жон беріб, үлукни ҳаракатта киргизур эрди.

Султон Ҳусайн Мирзо, Ҳадичабегим ва Мир Алишернинг орасидоги пінқон сұzlарға ондин үзға киши маҳрам эрмас эрди ва ҳамиша Мир Алишернинг күngли қуши онинг ишқи ҳавосида парвоз этар эрди. Ҳадичабегим Ҳазрат Мирни имтиҳон этмак учун анга неча макдамалар (үйинлар – А.П.) ва ҳийлалар үргатиб, они Мирнинг уйига юборди. Ва ул номозшом вақтидан сұнг Мирнинг уйига борди ва ул вақт ҳамишаги вақт эрмас эрди, ҳайрон бұлды. Алқисса, канизак узоқ вақт ҳикоят бошлаб, күб вақт үлтурди ва сұз қызығон ҳолда деди: "Ох, нечук этарманким, вақт кеч булубдур". Мир деди: "Ҳеч бок (хавф, құрқув – А.П.) йүқдур кеча шу ерда бұлғыл". Ва онинг муддаоси ҳам бу эрди. Мир үз уйининг жаворида (құшни хона, дахлиз – А.П.) онинг учун бир уй тайин этти. Ул ҳам шул уйға борди ва кечадын бир пас үтгандын сұнг келиб, яна Мирнинг уйига кирди. Мир они куриб фаросат ила билдиким, муддаоси недур, Аммо тоғофул (сабр –

А.П.) қилди. Ул канизак шириңзабонлиғ била деди: "Эй маҳзум! (покиза зот – А.П.). Ман андоқ тасаввур қиласанким, баданимнинг ҳар бир мўйи бир занжирдек булиб, мани чекиб (торгиб – А.П.) бу жониб (томон – А.П.)га келтурди. Магар бу кашиш (журъат – А.П.) га сабаб улдурким, бу камина канизакка иноят назарин солғайсиз". Мир деди: "Мундоқ тамаъ ва таклифлар бекордур. Маълум булдиким, на иш учун бу ерга келмишсиз. Сизнинг била бир жамоанинг аросига бир мушкул масала тушубдур ва онинг мақоламаси (натижаси – А.П.) узоқча чекубдур. Иншооллоҳ, ул мушкул қашфи анқариб (ҳозир – А.П.) зоҳир булур". Бу сўзни айтиб, канизакнинг қўлин тутиб, ўзининг тизи устига қўйли ва ... бу онинг мушкули қулфин очарға калид эрди, онинг илкига берди ва деди: "Яқин билингким, бу мусаққаб била мақсад дурин тешса бўлур ва бу калид била мурод дуржининг қулфин очиб, ком гавҳарин топса бўлур. Сизга маълум бўлсинким, бизда қадхудолик олати бордур ва қадхудолик қиласурбиз. Аммо бурун ҳам қилмамишбиз ва ҳоло ҳам қилмасбиз ва сўнгра ҳам..."

*Тарки лаззатҳои шаҳвони сахост,
Ҳар ки дар шаҳват фуру шуд бар нахост.
Халқ пингоранг ишрат мекунанд,
Бар хаёли пур худ пар мекунанд.*

Мазмуни: Шаҳвоний ҳисни тарк этмоқ саҳоват белгиси. Шаҳватта берилган киши, фойда кўрмайди. Халқ ишрат қилиш ниятида юради. Ўзининг шу хаёлида пар тўкади... Ва чун ҳикоят Султон била Ҳадичабегимнинг самъи (қулоғига – А.П.)га етди ва (Алишерга) эътиқодларининг бири юз, балки минг

бўлди»...⁸ Куринаники, Навоийга муҳаббат қўйган нозанинларнинг бири, эҳтимол, биринчиси Ҳадичабегим булган. Унинг қизлик даврида Навоий шуҳратидан хабардорлиги, эҳтимол Аммо, Бойқаро саройига келгач Навоийга ишқ майли билан қараган булиши мумкин... Шунингдек, маликанинг хос канизаги Давлатбаҳт ҳам Навоийнинг эрлик эҳтиромидан бутун умр умидвор булгани эҳтимолдан узоқ эмас. Навоийнинг бу эҳтиромга ижобий муносабатда бўлмагани эса нафси амморани енгиш самараси сифатида қаралмоғи лозим.

Хондамирнинг Давлатбаҳт ҳақида гапира туриб, "Мир Алишернинг кўнгил қуши онинг ишқи ҳавосида парвоз этар эрди..." деган маълумотдан Навоий ёшлигида айнан шу қизга муҳаббат қўйган булиши мумкин, деган яна бир тахмин келиб чиқади. Ҳар ҳолда ошик шоирнинг:

*Мени мен истаган ўз сұхбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишини сұхбатин кўнглум писанд этмас.*

деган мисраларида тарихий ҳақиқат пинҳон кўринади. Бу мавзуу, фикри ожизимча, биздан кейинги Навоий муҳиббларини ҳам турли изланишларга даъват этади.

«ЧОРАМ АСБОБИН ТУЗУНГ...»

Алишер Навоийнинг ғоявий – бадиий оламини бутун салобати, ҳақиқий ва рамзий – мажозий сифатлар талқини, фалсафий – поэтик мушоҳада ҳикмати, шунингдек, «коса ва нимкоса»лар латофатини барча нозик жиҳатлари билан илғаш ва тадқиқ этиш жуда мушкул. Улуғ сўз даҳоси кашф этган

бадиият хазинасидан баҳрамандлик завқи, лаззати ҳаммага ҳам бир хил насиб этавермайди. Гоҳида шоир тасвиридаги беқиёс ифода назокати, турфа туйғулар, чуқур инсоний дард, ситам ёхуд ишқий кечинмалар изтироби зукко ғазалхон шуурида онг илғамас ҳиссиётлар, ҳаяжонлар, онги ва таффакурида эса кутилмаган фикр — таассуротлар пайдо қиласди. Ногаҳонда мияда чарх урган ҳақиқат ҳайратлари сизни улуг даҳо қаршисида нақадар ожиз ва нотавон кимса эканлигинизни пинҳон суратда англаради. Қатор манбалар, афсона ва ривоятлар қатига назар ташлайсиз. Куръон ва Ҳадис тафсирлари, Навоийнинг ижодий лабораториясида мавжуд манбаларнинг туб илдизи, асосий ғояси, ирфон ҳақиқатлари, турли хил луғатлар қувватидан илҳом ва завқ оласиз. Сузнинг маъно қирраларини турли мушоҳада тарозисида тортасиз. Навоийни шундай сўзлатган ва бўзлатган ўн бешинчи аср тарихий — адабий муҳит дунёсига хаёлан сайд қиласиз. Барибир улуг шоир изтиробларини, уларни шакллантирган хунрезлик ва мунофиқлик суратларини илғаш, теран тушуниш, таҳлилдан ўтказиш анча мураккаб. Шоир ғазаллари мутолааси ҳозирги ўқувчини анча толиқтириб қўяди. Шу тариқа у таффакурида эврилиш, покланиш ҳосил қилаётганини сеза бошлайди. Муҳими бир мутолаа билан чегараланмаслик керак. Ўқиганда, албатта, луғат ва қўшимча изоҳларга суюниш лозим. Энг муҳими

қайта ўқиши үқувчи тафаккурини борган сари теранлаштиради. Муайян бир газалнинг рамзий – мажозий образларини үрганишнинг ўзи, қисман, Навоийнинг ижод боғидан шарбат татигандек гап:

*Ошиқ ўлдум, панд берманг – чорам асбобин тузунг,
Ишқ зор этигана зулм этманг – тараҳхум кўргузунг.*

Эътибор ва эътирофга молик бу газални сиз севимли хонандангиз Шерали Жўраев ижросида эшитиб бир неча бор завқ, беҳисоб лаззат туйгансиз. Агар сиз дилгортар қўшиқнинг бирламчи асоси – газал моҳиятидан ҳам қисман бўлсада хабардор бўлсангиз, ишонаверинг, ўша завқ, ўша ҳаяжон, ўша эҳтирос икки марта ортади. Мумтоз газал навосидан сармаст булиб, аввал ижрочига, сўнг созандаларга, ундан кейин эса ушбу лаззат ва завқни таъминлаган биринчи омил яратувчиси улуғ Навоий шаънига чексиз дуолар ўқийсиз.

Шоирнинг ишқ йўлига киргани тушунарлї. Энди уни бу йўлдан панд бериш орқали қайтариб бўлмайди. Яхшиси, унинг «чора асбоб»ини тузмоқ керак. Шоир бу илтижо билан ишқ сарсонларига мурожаат қўймоқда. Чинакам ошиқ, ҳақ васлига етишиш учун турли йўллар – воситалар излайди. «Асбоб» деганда улуғ шоир ана шу йўриқ воситаларини назарда тутган. Ишқ аҳли эса зулм кўрсатишдан бошқага ярамайди:

Ишқ зор этгандың зулм этманғ, тараҳұм күргузунғ.

Энди ғазалнинг давомини үқиймиз:

*Эйки, дерсиз ишқ аро сабринг уйин обод қыл,
Мундоқ этгунча ҳаётим қасри бунёдин тузунғ.*

*Сарвінозымким борур күз бөгүдеш, құлмоп қабул,
Гар аниңғ үрнида тубо, нахлини үлтурғузинг.*

Ошиқнинг дарди, ситами, нола – фарёди оғушидан сизиб чиқсан мазкур илтижо ва афсус – надомат нидоси унинг маңшуқа васлига эришиши учун ҳар қандай зулм ва шафқатсизликка бардош беришини аниқ билдириб туради. Ишқ аҳли Навоийнинг лирик қаҳрамони қисматидаги зулм оғриқларини бошидан кечирган. Аммо, Навоий тақдидири ишқ аҳлининг у мурожаат қилған вакиллариникидан тубдан фарқланади. Шунинг учун шоирнинг лирик қаҳрамони «сабр уйин обод қилиш» истагидан анча йироқ. Унга «сабр эт» дегандан күра, жонини олаверинг. Бунга үзи иқрор бұляпты: *Мундоқ этгунча ҳаётим қасри бунёдин бузунғ.* Кейинги байтда ошиқ маңшуқасини сарв қоматига менгзаш йұли билан уни жаннат дарахтидан ҳам устун қўймоқда. Негаки, сарв үз қады қомати билан маңшуқага яқин, бинобарин, чинакам ошиқ учун у жаннат дарахтидан ҳам афзал:

*Онсизин, эй дүстлар, не заҳру не оби ҳаёт,
Ким мусовидур менга гар ўлтурунг, гар тургузунг.*

*Гар ажал тургумаги жисмимни ул ой күйига,
Дүстлар, наъшимни боре онда бир дам тургузунг.*

Ошиқнинг мажруҳ қалбида ишқ шу қадар баланд түғён урадики, у маъшуқа васлидан маҳрум қилинса, тирикликнинг аччиқ ёки чучук томонлари билан ҳисоблашмайди. Яъни, у маъшуқа билан бирга эмас экан, унинг учун фонийлик ва боқийлик ўртасида тафовут йўқ. Шу боис лирик мен "бешафқат ажал умримга зомин бўлса, наъшим (тобут – А.П)ни маъшуқа ҳузурига бирдан қўйинг, зора ошиқ қалбим фақат уни деб ҳаракатдан тўхтаганини билсин, дея васият битади. Ишқда сидқи содиқлик висол онларига кафолат белгисидир. Навоий сидқи содиқликда шарқ ошиқларига (демак шоирларига ҳам – А.П.) юксак ибрат намунасини кўрсатган. Юқоридаги байтлар шу даъво исботи учун ёзилган.

*Дурд келтурдунг дебон ёзгурмангиз, эй аҳли ишқ,
Бок йўқ, зуҳдим ригоси кўнжига солиб сузунг.*

Дурд – мумтоз адабиётда майнинг қўйқасини ифодалайди. Ишқ аҳли илоҳий май лаззатидан ҳамиша баҳрамандлик эвазига ўзларини голиб ва эркин ҳис қиласидилар. Шоир яна ҳаммаслакларига мурожаат қилиб, ўзини май қолдигини келтирганликда айбламасликларини сўраяпти. Байтнинг иккинчи мисрасида эса ушбу "қўйқа

икки номақбул бұлса, уни зуҳдим ридоси (тақво суви (дарёси) – муболага бор – А.П.) кунжи (бир чеккаси)га солиб сузинг", дея үз айбига иқрорлик ҳиссини ифодалаган. Мақтаъ:

*Чун Навоий құнглини қылди гириҳ бир тори зулф.
Дұстлар, сарриштайи уммиғдни андин узунг.*

Навоий бу үринде дұстларға сұнгги бор мурожаат қилиб, үзининг ошиқ құнглида ёр зулфи билан боғлиқ бир тугун мавжудлигини, ана шу тутундан «умид ипини узинг» – дейиш билан барча орзу – истаклариниң амалий интихосига умид боғлайды.

Навоий қаламида ошиқ жисми, сурати андай ҳорғин, андай вазмин, руҳий дунёси ҳам ишқ изтиробларидан толиққан афтодақол кайфият белгиси сифатида таассурот пайдо қиласы. Аммо, үзини буткүл ожиз ҳисобlamайды. Уни ишқий саргузаштар шу ҳолатта туширган. У бу йұлда яна қанча азоб, машаққат синовлари бұлмасын, бир сония бұлсада олдинга, висол гүшасында интилаверади. Фазал соғ мажозий харakterи билан барча ошиқтарға ибрат намунаси бұла олади.

Фазалнинг ҳар бир байти, мисраси, образ ватимсоллар дунёси унга ошуфта ҳар қандай фазалхонни, айниқса, мұмтоз адәбиёт шинавандасини ром қилиш хусусиятига эга. Үнда барча сұз ёхуд образ поэтик қамров такомили билан үқувчини беҳад кенгликларға, юксакликтарға чиқариб құяды. Афсуски, улуғ даҳо

фикру даъвосини барча мураккабликлари билан илғаш, идрок этиш, айниқса, таҳлил қилишга мунаққиднинг илмий – назарий қуввати шоир салоҳияти олдида кўп ҳолларда ожиз қолади. Бошқача айтганда, Навоий ошуфтаси унинг «косаси»ни кўриб, ҳайратга тушади, «ним коса»ни эса тасаввурига сифдиролмайди. Навоийнинг юксак жаҳоний мавқега кўтарган омиллардан бири, эҳтимол, биринчиси ҳам шунда бўлса керак.

Мазкур ғазалнинг бош мавзуси анъанавий ишқ ва ошиқлик сифатларини улуғлашдан иборат. Навоий кўп ғазаларида бўлгани каби бунда ҳам ӯзини – ошиқни ғариблаштириш, қашшоқлаштириш воситасида маъшукни – ишқи илоҳийни улуғлади. Устоз Иброҳим Ҳаққул айтмоқчи: «Замин ӯз ӯқи атрофида айланганидек, Навоий шеърияти ҳам ишқ теграсида тинимсиз айланади...».⁹ Айланадигина эмас, шу асосда ошиқ қалбидаги чанг – губорларни тозалайди ҳам. Унинг ишқи илоҳийга интилиш хусусиятларини тарбиялади, такомиллаштиради. Юқоридаги ғазалнинг мұъжаз таҳлили ушбу фикр исботи учун кичик бир далил бўла олади.

ИЗОХЛАР

1. А.Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. Тошкент. F.Гулом номидаги агадиёт ва санъат нашриёти, 1995 йил, 49—бет.

2. Навоийшунослар Шоҳ Гозийни Ҳусайн Бойқарога нисбат берадилар. Улар айтадиларки, Шоҳ Гозий образида шоир кўпинча Ҳусайн Бойқарони тасаввур этади, шу боис кўп ҳолларда бу сиймо шоир томонидан улугланади. Бўлса бордир. Профессор А.Абдуғафуров фикрича "ҳамиша ҳам ундаи эмас, негаки Бойқаро таҳтга ўтирган 1469 йилларгача ҳам Навоий бу образни тилга олади". Шу маънода бу сиймо баъзида шоир идеалидаги оғил подшоҳни ифодалайди—А.П.

3. Навоий уйланмаган бўлса—да, ёлғиз бўлмаган. Унинг хонадони ўз яқинлари, қариндошлари, ҳатто, ўғай фарзандлари билан доимо гавжум бўлган. Бу ҳақда муфассал маълумот учун қаранг: Поён Равшанов. Навоий авлодлари. «Тарих бадиияти» номли китобда. Тошкент. F.Гулом номидаги агадиёт ва санъат нашриёти, 1989 йил, 48—67— бетлар. Яна қаранг: Аҳмад Абдулаев. Навоий фарзандлари. Тафаккур журнали, 2005 йил 1—сон.

4. Билмам не жарима била Султон Абусайид мирзо Алишерни Ҳиротдин ихрој қилди... "Бобурнома". Тошкент. Юлдузча нашриёти, 1990 йил, 153—бет.

5. Бобурнома. 152—бет.

6. Ш.Сирожиддинов."Навоий кимни севган?". Ёшлик журнали, 1991 йил, 5—сон, 33—36 бетлар.

7. Бобур Мирзо айтадики, 14 ўғилдан учтаси "валадуэззино" эмас эди. Яъни, Бойқаронинг никоҳдаги шаръий хотинларидан уч ўғли бўлган. Қолган 11 таси никоҳсиз хотинлари ва канизакларидан туғилган. Шунингдек, тарихчи унинг фарзанд кўрмаган хотинлари, букр ўғли ва кўр ўғли бўлгани ҳақида ҳам маълумот қолдирган. «Бобурнома». Юлдузча нашриёти, 1990 йил, 153—бет.

8. Оғаҳий. Ишқ аҳлининг тумори. Таъланган асарлар. Тошкент. А.Қодирий номидаги Ҳалқ мероси нашриёти. 1999 йил, 313 – 314— бетлар.

9. И.Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. Тошкент. F.Гулом номидаги нашриёт—матбаа бирлашмаси, 1991 йил. 86—бет.

ҚАЙДЛАР УЧУН

МУНДАРИЖА

Жунун завқи ила ёзганим	3
Жажжи ҳайратлар	4
Ато рози эрса	23
Навоийни севган нозанин	30
“Чoram асбобин тузунг...”	38
Изоҳлар	45

АБДУРАҲМОН ПИРИМҚУЛОВ

НАВОЙИ Н СЕВГАН НОЗАНИН

Илмий-адабий нашр

Муҳаррир: Маъмурас Содиқова.

Мусаҳҳиҳ: Гулшан Эркаева.

Техник муҳаррир: Даврон Арифжонов.

*Муқовада Чингиз Аҳмаров асаридан
фойдаланилди.*

Теришга берилди: 05.05.07. Босишга рухсат этилди:
03.07.07. Нашриёт рақами М – 669. Қоғоз бичими: 84x108
 $\frac{1}{32}$. Босмахонага топширилди: 14.07.07.
Офсет босма. Нашриёт ҳисоб табори: 2,6.
Шартли босма табори 2,5. Адади 5000 нусхада.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9 – уй.

Дизайн ва оригинал макет «Мактубот пресс»

МЧЖда тайёрланди ва чоп этилди. Тошкент, Қатортол тор кўчаси, 6 "а" – уй



Мен маник сүкунам бағыдан отилиб
інкілан әзілдік даражатиниң күнік бир
пөвдасыман. Ұмид үлкім, тизиненде хәел ва
оржы шалғаштаппаниң иштесін бұқим,
әзізлігімниң ғілған ҳар қандай қитобхон
менді нұрғы, мусаффо ҳаво ва ҳақынкам
ташмасидан бағрамайд аны шу пөвда
шароқлағына беғарғы бұлмага...

ISBN 978-9943-09-308-9

A standard linear barcode representing the ISBN 978-9943-09-308-9.

9 789943 093089